



«Тасдиқлайман»

«Ўздонмахсулот» АК

Бошқарув раиси ўринбосари

Э. АЛИМОВ

2018 йил

Дон ва уруғлик тайёрлаш, сақлашни ташкил этиш бошқармасининг НИЗОМИ

1. Умумий қондалар

1.1. Дон ва уруғлик тайёрлаш, сақлашни ташкил этиш бошқармаси (кейинги ўринларда Д ва УТСТЭБ) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги 376-сонли қарори ҳамда «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг 2004 йил 25 августдаги 27К-сонли буйруғига асосан ташкил этилган бўлиб, мазкур бошқарма «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси ижро девонининг мустақил бўлинмаси бўлиб ҳисобланади.

1.2. Д ва УТСТЭБ ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси Бошқарувининг қарорлари, буйруқлари, кўрсатмалари, тартиблари, йўриқномалари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

2. Асосий вазифалари ва функциялари

2.1. Давлат буюртмалари ва топшириқларига асосан дон ва уруғлик қабул қилиш бўйича дон тайёрлаш корхоналари билан ғалла ва шоли етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари асосида давлат ресурсига дон тайёрлашни ташкиллаштиради.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли (қарори билан тасдиқланган) «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги қарорига асосан давлат эҳтиёжларига дон ва уруғликни қабул қилишни уюшқоқлик билан ташкил этиш ҳамда уларни сифатли сақланишини таъминлаш бўйича компания таркибига кирадиган корхоналар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

2.3. Бошоқли дон (ғалла ва шоли) қабул қилиш корхоналарини ва уруғлик цехларини ғалла қабул қилиш мавсумига моддий-техника базасини тайёрлаш ишларини ташкиллаштиради.

2.4. Дон қабул қилиш корхоналари ҳамда дон етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида давлат эҳтиёжи учун бошоқли экинлар дони ва уруғлигини харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномаларида қайд этилган дон тайёрлаш ҳажмларининг Ҳукумат қарорларига мувофиқ давлат буюртмасига мос келишини компаниянинг юридик бўлими билан биргаликда таҳлил қилади.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тақсимоти ҳамда, компания раҳбариятининг буйруғи асосида дон маҳсулотлари корхоналари томонидан уруғлик (ғалла, шоли) партияларини дон етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига экиш учун тарқатишни ташкиллаштиради ва унинг мониторингини олиб боради.

2.6. Давлат дон инспекцияси билан биргаликда йил бошида давлат ресурси ва захирасидаги бугдой, шоли хатлов (инвентаризация)дан ўтказиладиган ва «ноль»га тозаланадиган корхоналарни аниқлайди ва бу ҳақда компания раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритади.

Ҳукумат кўрсатмасига асосан хатловдан ўтказиш ҳамда дон қабул қилиш корхоналари ва шахобчаларида «ноль»га тозалаш ишларини белгиланган муддатларда амалга оширилишини ташкил этади.

2.7. Давлат эҳтиёжи учун дон қабул қилишда ва тайёрланган донни сақлашда «Ўздавдонинспекция» билан, уруғлик тайёрлаш ва уни тақсимлашда «Ўздавуруғназоратмарказ» билан ҳамкорликда иш олиб боради. Донни сифатли сақлаш юзасидан чора-тадбирлар тайёрлайди.

2.8. Дон зараркунандаларига қарши кураш бўйича сақланаётган мавжуд дон партияларига профилактик кимёвий ишлов бериш юзасидан корхоналарга тегишли кўрсатмалар беради. Донни зарарланишига йўл қўйиш ҳоллари содир этилганда камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхоналар раҳбарлари билан биргаликда тезкор чоралар кўради.

2.9. Дон ва уруғликни қабул қилишга тайёргарлик, қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, сақлаш, тарқатиш бўйича зарур чораларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиб боради.

2.10. Ҳукумат қарорлари ва компания буйруқларига асосан истеъмолбоп бугдойнинг суғурта фондини шакллантириш ва янгилаш бўйича корхоналарда амалга оширилган ишларни мониторинг қилиб боради.

2.11. Дон маҳсулотлари корхоналаридан йиллик ҳисоботлар бўлган 07-С (уруғликни сақлаш), 08 (сигимлар) ва 012 (ускуналар) шаклларини,

мавсумий бўлган 027 (моддий-техника база тайёргарлиги) ҳамда ҳар ойлик 6-К (доннинг сифати) шаклларини қабул қилинишини таъминлайди, уларни таҳлил қилиб боради, таклиф тайёрлайди ва Бошқарувга киритади.

2.12. Компаниянинг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорликда дон қабул қилиш корхоналар элеваторлари, шахобчалари ҳамда уруғлик тайёрлаш цехлари моддий-техника базасини ривожлантириш, янги-замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва янгидан қуриш бўйича корхоналарнинг таклифларини кўриб чиқади ва тегишли хулосалар киритади.

2.13. Дон ва уруғлик тайёрлаш, саклаш, тарқатиш, ҳисобини юритиш бўйича давлат стандартлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

2.14. Очик майдонларга қабул қилинган ғалла ва шолини қисқа муддатларда ёпик сизимларга киритиш билан мавсумий дон қабул қилиш шахобчаларини «нол»га тозалаш бўйича асосланган таклифлар киритади.

3. Бошқарманинг ҳуқуқлари, масъулияти ва ўзаро муносабатлари

3.1. Д ва УТСТЭБ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, «Ўздонмахсулот» АК қарор, буйруқ ва топшириқларини ўз вақтида сифатли бажариш, бу борада тезкорлик, ишчанлик, интизомлилик ва ҳар ходимнинг зиммасига юклатилган вазифаларга бўлган масъулиятини ошириб, иш услуби ва йўналишларини талаб даражасида такомиллаштириб бориш ҳисобига амалга оширади.

3.2. Д ва УТСТЭБ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Белгиланган тартиб ва компания бошқарувининг топшириғига асосан Д ва УТСТЭБга тааллуқли масалалар бўйича корхоналар ва ташкилотлардан зарур бўлган ҳисоботлар ва маълумотлар олади.

3.2.2. Корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек «Ўздонмахсулот» АКнинг ижро девони таркибий бўлинмаларига Д ва УТСТЭБ ваколатига кирадиган масалалар бўйича тавсиялар ва тушунтиришлар беради.

3.2.3. Компания раҳбариятининг топшириғига кўра Д ва УТСТЭБга тааллуқли масалалар бўйича корхоналар ва ташкилотлар раҳбар-мутахассислари иштирокида семинарлар ташкил қилади, семинар мажлисларида иштирок этади ва фикр-мулоҳазаларини билдиради.

3.2.4. Бошқармага тааллуқли масалалар бўйича «Ўздонмахсулот» АК номидан давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик ва жисмоний шахсларга муурожаат қилади.

3.3. Д ва УТСТЭБ қуйидагиларга:

3.3.1. Бошқарма фаолиятига тегишли бўлган Ҳукумат ва компания қарорлари, буйруқлари ва фармойишларининг сўзсиз бажарилишига;

3.3.2. Фуқарорларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини белгиланган муддатларда объектив кўриб чиқиш ва унинг натижалари тўғрисида ариза муаллифларига ва сўралган юқори ташкилотларга ўз вақтида ахборот берилишига;

3.3.3. Мазкур Низомда белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилишига;

3.3.4. «Ўздонмахсулот» АКда ўрнатилган ягона иш юритиш тартибига амал қилинишига;

3.3.5. Кундалик муаммоларни ортиқча хизмат ёзишмаларисиз, тезкорлик билан ҳал қилинишига масъулдир.

4. Бошқармага раҳбарлик қилиш

4.1. Д ва УТСТЭБ бошқармаси «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси Бошқаруви раиси томонидан тайинланадиган ва озод этиладиган бошлиқ (у бўлмаганда бош мутахассис) томонидан бошқарилади.

4.2. Д ва УТСТЭБ бошлиғи яккабошчилик принциплари асосида раҳбарликни амалга ошириб, қуйидагиларни:

4.2.1. Дон ва уруғлик тайёрлаш бўйича Ҳукумат ва компания қарорлари, буйруқлари ва кўрсатмалари ҳамда амалдаги Йўриқномаларнинг бажарилишини;

4.2.2. Бошқарма ходимлари томонидан давлат ва меҳнат интизомига амал қилинишини;

4.2.3. Олиб борилаётган ишлар бўйича зарур бўлган махфийликни;

4.2.4. Компания раҳбариятининг топшириқ ва кўрсатмалари асосида иш юритилишини ташкил қилади.

4.3. Д ва УТСТЭБ бошлиғи:

4.3.1. Ўрнатилган тартиб асосида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида алоҳида ўртак кўрсатган бошқарма ходимларини рағбатлантириш, шунингдек меҳнат ва ижро интизомини бузилишига йўл қўйган ходимларни жазолаш тўғрисидаги таклифларни компания раҳбариятига тақдим этади;

4.3.2. Бошқарма ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаб, уларнинг масъулияти даражаларини белгилаб беради;

4.3.3. Бошқарма бўйича иш услуби ва тузилишини ташкил этиш ва яхшилаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, ходимларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва жорий этилишини ташкил этади.